ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

# ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 27 июн, сешанба № 108 (2157)

# БУГУН МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

## ФЕРМЕР БОЙ — ЮРТ БОЙ



Бугунги кунда мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига катта эътибор берилмоқда. Қува туманидаги 1434 та фермер хўжаликлари бугун барча соҳаларда яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Бундай хўжаликлар қаторида уруғчиликка ихтисослашган «Холмирза Қурбонов» фермер хўжалиги ҳам бор.

2005 йилда ташкил топган мазкур хўжалик қисқа муддат ичида ғалла ва пахта етиштиришда муайян самараларга эришди. Ўтган йили 12 гектар майдонда уруғлик буғдой ва 22 гектар ерда пахта экиб, юқори ҳосил олинганди. Жорий йилда эса фермер хўжалиги аъзолари 12 гектар ғалла майдонида меҳнат қилиб, 80 центнердан ҳосил кўтардилар.

— Бу йил фермер хўжалиги давлатга 36 тонна дон топшириш мажбуриятини олган бўлса, амалда 70 тонна қилиб топширдик, - дейди «Холмирза Қурбонов» фермер хўжалиги раҳбари Фозил Қурбонов. — Ортиб қолган дон хўжалик деҳқонларига тарқатилмоқда.

***Суратда: (чапдан) Қува тумани уруғ назорати бошлиғи Музаффар Зокиров, «Холмирза Қурбонов» фермер хўжалиги иш юритувчиси Абдуғаппор Йўлдошев ва хўжалик раҳбари Фозил Қурбонов бу йилги ғалла ҳосили ҳақида суҳбатлашмоқда.***

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## ҲУҚУҚИЙ ЗАМИН МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2005 йил январида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг асосий устувор йўналишларини белгилаб берар экан, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнида тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатларимизни тубдан ўзгартириш зарурлигини уқтириб ўтиб, тадбиркорлик фаолиятини, уларнинг манфаатларини, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайдиган, кафолатлайдиган ҳуқуқий замин яратишни асосий вазифалардан бири эканлигини таъкидлаган эди. Ана шу улкан вазифаларни амалга ошириш ташаббускори сифатида 2005 йилда Президентимиз томонидан Фармон ва қарор қабул қилинди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарорлари шулар жумласига киради.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг 37 та қонун ҳужжати, шундан, 5 та Кодекс, 31 та Қонун ҳамда 1 та Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

## СУД — АДОЛАТ КАФОЛАТИ

«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Юридик шахсларнинг қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлиги тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомга тадбиркорлик субъектларига нисбатан қуйидаги ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш назарда тутилмоқда:

а) тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш, шу жумладан ерга, ер қаърининг участкаларига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш;

б) тадбиркорлик субъектлари фаолиятини 10 иш кунидан ортиқ муддатга тўхтаб қолишига олиб келадиган тарзда тўхтатиб қўйиш, инвестиция институтларига қимматли қоғозлар бозорида айрим операцияларни ўтказишни чеклаш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан 10 иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно);

в) банклардаги ҳисоб варақалар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида аниқланган ҳоллар бундан мустасно);

г) ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;

д) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалар)ни 10 иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилинишини тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Комиссиялар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно), шу жумладан, табиий ресурслардан фойдаланиш учун бериладиган рухсатномалар, корхоналарнинг эркин иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини бекор қилиш.

**Ўз мухбиримиз**

*Бандлик ва ижтимоий муҳофаза дастурлари амалда*

## НАЗОРАТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

***Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири. Умуман, бу идоранинг эзгу ишлари негизида инсоннинг қонуний манфаати ётади. Қашқадарё вилоят прокурори Эшдавлат Жўраев билан суҳбатимиз аҳолининг ижтимоий муҳофазасига доир бўлди.***

**— Эшдавлат Турсунович, вилоят прокуратурасининг вилоят ҳаёти билан яшаётганлиги, аниқроғи, унинг ютуқ ва муаммоларини ҳис қилиб ишлаётганлиги шу воҳа фарзанди бўлганим учунми, мени кўпроқ қувонтирган. Айниқса, прокуратуранинг қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан назорат соҳасидаги фаолияти вилоятнинг бу борада эришган ютуқларида ҳам яққол кўринади.**

**Аммо, келинг, бугун аҳолини иш билан таъминлаш, унинг ижтимоий муҳофазаси ҳақида фикрлашсак.**

- Яхши. Бизнинг анъанавий иборамиз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ва аҳолининг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ қонунлар ижроси устидан назорат борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримов 2006 йил 10 феврал куни 2005 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидлаганларидек, бандлик масаласи аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шартидир. Шунинг учун прокуратуранинг асосий эътибори жойларда ҳокимликлар томонидан қабул қилинган дастурлар доирасида аҳоли бандлигини таъминлашга зарур шарт-шароитлар яратилишига қаратилмоқда. Ҳокимликлар, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмалари билан ҳамкорликда янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ярмаркалари ўтказиш, имтиёзли кредитлар ажратиш чора-тадбирлари кўрилди. Натижа ёмон бўлмади. Вилоятда 2006 йилда "Аҳолини иш билан таъминлаш дастури"да йил давомида 50,6 мингта янги иш ўринлари ташкил этиш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи чорагида 18,7 мингта, яъни уч баробар ортиқ иш ўринлари яратилди. Жумладан, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 1,7 мингта, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 2,6 мингта, янги фермер хўжаликлари ҳисобига 10,4 мингта, уй меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 2,4 мингта, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни, касаначиликни кенгайтириш ҳисобига мингта, оилавий тадбиркорлик ва ижара пудратини ташкил этиш ҳисобига 1,4 мингта иш ўринлари яратилди. Иш ўринларининг 7 мингтаси хотин-қизларимиз меҳнат қилмоқлари учундир. Айниқса, опа- сингилларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш диққат марказимизда бўлмоқда.

**— Фермер хўжаликларининг афзалликлари аён. Аммо йирик ширкат хўжаликлари ўрнига кўплаб фермер хўжаликлари тузилиши, ўз навбатида ишсизликни ошишига сабаб бўлмоқда.**

- Бу масала ҳам изчил ҳал бўлаяпти. Вилоятдаги 42 та ширкат хўжалиги фермер хўжалигига айлантирилиши натижасида бўшаб қолган 45,6 минг нафар ишловчининг 43 минг нафари янги ташкил этилган фермер хўжаликларига ишга жойлаштирилди, 485 нафари бўш иш ўринлари ва янги иш ўринларига жойлаштирилди, 27 нафари ижтимоий ҳимояга олинди.

Бу деган сўз, иш силлиққина, рисоладагидек кетаяпти дегани эмас. Текширишларда аниқланишича, аҳолини иш билан таъминлашга доир ишлаб чиқилган дастурлар айрим маҳаллий ҳокимликлар, меҳнат бўлимлари томонидан лозим даражада бажарилмаяпти. Оқибатда, вилоятнинг Деҳқонобод, Чироқчи, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз ва Ғузор туманларида ишсизлик нисбатан баланд даражада қолмоқда. Айрим мутасаддилар туманларда ишсизларни рўйхатга олиш, уларни ўқитиш, қайта касбга тайёрлаш ва жамоат ишларига жалб қилишни ташкил этишдан кўра ўз шахсий манфаатларини устун қўймоқдалар.

*(Давоми 3-бетда)*

*Муҳаррир минбари*

## ЎЗБЕК МАТБУОТИНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

***Ҳозирги ўзбек матбуоти ва оммавий ахборот воситалари мустақиллик қанотида қад ростлади ва камолга етди. Бугунги байрам муносабати билан унинг тамал тошини қўйган, мафкура майдонларида қалам тиғини қурол айлаб Ватан ҳимоясида собит турган мустақил Ўзбекистон журналистикасининг яловбардорлари, фидойи ва меҳнаткаш ҳамкасбларимиз ҳақида илиқ гапларни айтиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Бу ерда рўйхатни анъанавий тартибда ҳам, амал мавқеига қараб ҳам тузиб бўлмайди. Чунки мустақиллик кураш майдонига биз шу пайтгача ўрганиб қолган эски қолип ва андозаларга сиғмайдиган янги-янги кучларни бошлаб чиқди. Уларнинг сафидан — энг олдинги қаторлардан жой олган дадил ва қатъий, фидойи ва заҳматкаш, энг муҳими юртимизга, касбига садоқатли қалам аҳилларининг номларини бугунги байрам баҳона эҳтиром билан тилга оламиз.***

Янги аср ўзбек журналистикасининг баҳори Мустақиллик эълон қилинган йиллардан бошланган эди. Собиқ совет империяси даврида коммунистик мафкуранинг зуғумига қарамай, журналистикамизнинг тамал тошини қўйган миллатпарвар устозларнинг меҳнатларини ёдга олган ҳолда, мустақиллик туфайли матбуотимизда ўзгача янгиланиш бошланганини эътироф этмоқ даркор. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов ва Озод Шарафутдинов, таниқли адиблар Мурод Муҳаммад Дўст ва Эркин Аъзамов каби кўплаб ижодкорларнинг матбуотдаги ҳар бир чиқиши чинакам воқеага айланибгина қолмасдан, нима ҳақда ва қандай ёзиш керак деган саволга жавоб ҳам бўлиб қолган эди.

Ўринни эгаллайдилар. Бунга жавобан ижоди ва фаолияти билан дунё журналистикасига бўйлашиб бораётган кўплаб қаламкаш дўстларимизнинг изланишлари чинакам ҳавас қилгуликдир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси «Олтин қалам» мукофотининг 2006 йилги совриндори Иброҳим Норматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Шуҳрат Жабборов, Анваржон Абдувалиев, Гулчеҳра Жамилова, Қўчқор Норқобил, иқтидорли публицистлар Ўткир Раҳматов, Султонмурод Олимов, Муртазо Қаршибоев, Сафар Остонов, Шерзод Қудратхўжаев, Қурбон Эшматов, Севара Турсунова, Абдунаби Ҳайдаров, Исмат Худоёров, Норқобил Жалилов

Сирдарёнинг Боёвут туманида Алиқул Хонимқулов деган журналист яшайди. «Халқ сўзи» газетасининг вилоят мухбири. Унинг меҳнатлари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони билан баҳоланган. Очерк ва публицистик мақолаларининг қаҳрамонлари оддий кишилар — ўзининг ҳамқишлоқлари, юртдошлари. Мен ҳам шу сувчи, фермер, ҳосилот ёки энди тадбиркор бўлиб қўли ошга етган Маҳкам акаларни танийман. Лекин Алиқул замонамиз қаҳрамонларига айланган бу кишиларни яхшироқ танийди, улардаги биз кўра олмаган сифатларни яхшироқ илғаб, матбуот саҳифасига олиб чиқади. Шунинг учун бўлса керак, шофёрми, қоровулми, ўқитувчими уни кўча-кўйда, бозорда, истаган жойда тўхтатиб дардини тўкиб солади. Алиқул уларни тоқат билан тинглайди, Чироқчининг қип-қизил даласида янтоқ томирига тарвуз эккан деҳқондан тортиб, Ховосдаги Чанговулота зиёратгоҳи булоғини обод қилган. Суюн бобогача оддий кишиларнинг анчайин кўзга ташланмайдиган олижаноблигини очерк қилишдан эринмайди. Шу жиҳатдан Алиқул Хонимқуловни ўзбек журналистикасининг Шукшини дейиш мумкин.

Фарғонада Алишер Ибодинов деган ўзбек адабиётининг «кумири» яшайди. Ўтган асрнинг 70-йилларида дилбар ҳикоялари билан Асқад Мухторнинг назарига тушган эди. Дўстлари орасида Олтиариқ қирларидаги бодомзор-ўрикзор боғи ва улфатчилиги билан машҳур. Лекин у мана иккинчи ўн йиллик давом этмоқда наинки вилоятдаги, балки водийдаги ягона нуфузли ҳуқуқий нашр — «Адолат йўли»ни муваффақият билан бошқариб келмоқда. Ҳозирги замонда «Даракчи»дан нуфузли, ўқимишли газета чиқаришнинг ўзи қийин. Алишер дўстимиз ахборот бозорида гоҳ детектив илова чиқаради, гоҳ детектив қисса ёзиб, газетасини ўқимишли қилиш учун жон куйдиради. Бир пайтлар камина бош муҳаррирлик қилган «Қонун ҳимоясида» журналининг оммабоп бўлишида ҳам Алишербекнинг детектив қиссалари кўп катта ёрдам берганини бугун мамнуният билан ёдга оламиз.

Шу ўринда асли касби юрист бўлган Ёқубжон ака Жалоловнинг номи тилга келаверади. Ёқубжон ака Фарғона вилоятида прокурор бўлиб турганларида мамлакатимиздаги биринчи ҳуқуқий нашр — «Адолат йўли»нинг очилиши ва оёққа туриб олишида кўп ғамхўрлик қилганлар. Кейинчалик Ёқубжон ака Тошкентга ишга келганларида Республика бош прокурорининг ўринбосари сифатида янги юридик нашр — «Қонун ҳимоясида» журналининг асосчиси ва ташкилотчилари қаторида ҳуқуқий журналистиканинг ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Ёқубжон аканинг ташаббуси тезда акс садо берди. Юридика фанлари доктори Фахриддин Раҳимов ўтган аср 90-йилларининг биринчи ярмида Сирдарё вилоятининг прокурори бўлиб турганида фарғоналик ҳамкасбларининг тажрибасини ўрганиб келиб, Сирдарёда «Адолат кўзгуси» деб номланувчи янги юридик газетага асос солди. Иккинчи ўн йилликдан бери унга бош муҳаррирлик қилиб келаётган иқтидорли журналист Фарҳод Норматов газетасининг нуфузини изчил равишда баланд ушлаб турибди. Сирдарё вилоят прокурори Азимжон Эргашевнинг айтишига қараганда «Адолат кўзгуси» ўтган йилни 35 миллион сўм соф фойда билан якунлаган. Тадбиркор ва ташкилотчи муҳаррирлари ҳамда матбуотсевар дўстлари туфайли мустақилликнинг фарзанди сифатида ўз нуфузини мустаҳкамлаб олган нашрлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

1997 йил июнда Президентимизнинг бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар билан учрашувида илгари сурилган ғоялар таъсирида «Қонун ҳимоясида» журнали, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари муассислигида «Ҳуқуқ» газетаси»га асос солинган эди. Ўша пайтда Тошкент шаҳар прокурори бўлиб турган Мелис Наимов янги нашрни маблағ, жой ва техника воситалари билан таъминлашда катта ғамхўрлик қилди. Матбуотсевар бу инсоннинг жонкуярлиги туфайли «Ҳуқуқ» газетаси кейинчалик республикамизнинг энг нуфузли нашрларидан бирига айланди.

Газетанинг овози, журналист сўзи республикамиздаги ижтимоий-сиёсий жараённинг даражасини кўрсатувчи бош барометридир. Ҳақиқий устасининг қўлига тушган ноёб соз санъат дурдоналарини кашф этиб, халқ мулкига айлантиргани каби, газета ҳам яхши муҳаррирнинг қўлида яшнаб кетади. Ҳаммамизнинг севимли нашримиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Аҳмаджон ака Мелибоев яна қайтиб бош муҳаррир бўлиб келгандан кейинги яхши ўзгаришлар бунинг ёрқин мисолидир. Адабиёт ва санъатни озгина севган кишиларнинг дўконлардан Аҳмаджон аканинг газетасини сўроқлаб юрганига кўп марта гувоҳ бўлганман. Долзарб масалаларни кўтаришда, юрагида ўти бор ёзувчи-журналистларнинг қалбига яна озгина чўғ солиб қўйишда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг ўзига хос ўрни бор.

Бу давр журналистиканинг энг жанговар жанрлари — интервью ва публицистика, матбуот конференциялари ва турли анжуманлардан тўғридан тўғри олиб бериладиган демократик руҳдаги суҳбатлар ва репортажлари билан алоҳида ажралиб туради. Шубҳасиз мустақиллик даврида матбуотимизнинг дунё андозаларига мос равишда ривожланиши, журналист қалами ва журналист руҳининг цензурадан батамом халос бўлиши учун Юртбошимиз томонидан муттасил эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинганини эътироф этмоқ даркор. У кишининг долзарб воқеалар муносабати билан чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюлари ва матбуот анжуманларидаги суҳбатларида илгари сурган ғоялари, бир гуруҳ тарихчи олимлар, ёзувчилар билан учрашувларида кўтарилган масалалар, айниқса, Ўзбекистон телевидениесининг мухбири ва «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида биз журналистлар учун дастурий аҳамиятга молик фикрлар ўртага ташланганини кенг жамоатчилик ўз вақтида эътироф этган эди.

Юртбошимизнинг публицистиканинг жанговар намунаси фондидан ўрин олган мазкур асарлари бундан кейин ҳам ёш журналистлар, сиёсатшунослар ва файласуфлар учун энг биринчи дарслик-қўлланма ва йўлланма бўлиб қолади.

1994 йил эди, Москвадаги хорижий журналистлар ассоциациясининг 40 га яқин аъзоси Президентимиз билан учрашмоқ учун Тошкентга келишди. Халқлар Дўстлиги саройининг кичик залида ўтаётган бу суҳбатга киришишдан олдин, қоғозсиз ва ҳеч қандай текстсиз қилинаётган маъруза энг апагейига чиққанда ёнимда ўтирган Италиянинг «Республика» газетаси мухбири ҳайратини яширолмай, ўзбек журналистларига ҳавасим келади, Президентларинг жуда матбуотпарвар экан, деган эди. Ҳақиқатдан ҳам шу матбуотпарварлик ва журналистпарварлик туфайли кўплаб қаламкаш дўстларимизнинг меҳнатлари эътироф этилмоқда. Ҳар йили мустақиллик байрами муносабати билан эълон қилинадиган мукофотланганлар рўйхатида юксак унвонлар ва давлатимизнинг обрўли нишонларига сазовор бўлаётган ҳамкасбларимиз салмоқли кабилар мустақиллик осмонида юлдуз бўлиб порлаган кўплаб қалам соҳиблари рўйхатини яна анча давом эттиришимиз мумкин.

Мамлакатимизда жаҳон андозаларига жавоб берадиган журналист кадрлар тайёрлаш масаласида катта ишлар қилинмоқда. Миллий университетнинг журналистика факультети қошида магистратура мақомидаги олий журналистика курсининг очилиши соҳани бошқа касб эгалари орасидан чиққан иқтидорли қаламкашлар билан мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Мустақиллик арафаси ва истиқлолнинг илк йилларида Ўзбекистон телеканали атиги саккиз соатлик кўрсатув бера олар эди, десак ҳозирги ёшлар ишонишмаса керак. Техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан қуролланган 4 та мустақил каналда кўрсатувлар бераётган Ўзбекистон телевидениесининг бугунги қиёфасига айрим хорижий дўстларимиз ҳам ҳавас билан қарашади.

Мустақилликдан кейин кўплаб хусусий телевидение ва радио ҳамда бошқа электрон ахборот воситаларининг пайдо бўлиши, уларга кўмаклашувчи фондларнинг ташкил этилиши, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг тузилиши, «Туркистон-пресс», хориж давлатларида ўз мухбирларига эга бўлган «Жаҳон» каби ахборот агентликларининг барпо этилиши 15 йиллик қисқа давр ичида журналистик ҳаётимиз ниҳоятда қизғин кечганидан далолат беради.

Энг муҳими буларнинг барчаси ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, Журналистик фаолият муҳофазасига доир қонунларимиз ҳаёт синовидан обдон пиширилиб ўтгани, маблағ билан етарли даражада таъминлангани учун ҳам муваффақиятли ишламоқда.

Ўзбекистон журналистлари жамиятини янгилаш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш даврнинг руҳи билан яшамоқда ва ижод қилмоқда. Барча қаламкаш дўстларни таҳририятимиз жамоаси номидан Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этамиз.

## ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

*Жавоб*

***Газетанинг шу йил 13 май сонида "Касаначиларга қулай шароит даркор" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда Жарқўрғон туманида шу соҳага оид қилинаётган ишлар ва айрим муаммолар қаламга олинганди. Яқинда ана шу мақолага мутасадди ташкилотдан жавоб хати келди. Унда жумладан, шундай дейилади: "Жарқўрғон тумани ҳокимлиги ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан "Ишонч" газетасида босилган "Касаначиларга қулай шароит даркор" сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди:***

Туманда 2006 йилнинг 5 ойи давомида йирик саноат корхоналари томонидан 23 та меҳнат шартномаси асосида касаначилик соҳасида янги иш ўринлари яратилган. "Сурхонтекстил" ҳиссадорлик жамияти, "Сурхонтекс" қўшма корхонаси, "Жарқўрғонпахта", "Жарқўрғоннефт", "Сурхонпахта" каби ҳиссадорлик жамиятлари шулар сирасидан. Бундан ташқари, меҳнат шартномаси асосида Жарқўрғон Маиший хизмат уюшмасида ҳамда буюртма шартномаси асосида "Ҳунармандлар" уюшмасида ҳам шундай тадбирлар амалга оширилган.

Ушбу йирик саноат корхоналарида касаначилик меҳнатини ташкил этиш ҳисобига туман бўйича жами 5 миллион 842 минг 705 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. "Сурхонтекс" қўшма корхонасида 5 миллион 400 минг сўмлик "Жарқўрғоннефт" ҳиссадорлик жамияти 52 минг 200 сўмлик, "Сурхонпахта" ҳиссадорлик жамияти 100 минг сўмлик савдо хизмати, "Жарқўрғонпахта" ҳиссадорлик жамияти кабиларда 585 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Тумани ҳокимлиги томонидан мутасадди ташкилотлар иштирокида мазкур мақолада баён этилган муаммо ва камчиликлар атрофлича муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди ва бажарилиши назоратга олинди.

**П. ТАНГРИЕВ,**
**Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари**

*Мустақилликнинг 15 йиллиги олдидан*

# ОРОЛБЎЙИ БОЙЛИКЛАРИ

***Оролбўйи минтақасида углеводород хомашёсини қазиб олиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Бу борада хорижий компаниялар билан ҳамкорликда яқин ўн йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган.***

Ўтган йилнинг ёзида Россиянинг «Лукойл» очиқ акциядорлик жамияти, мамлакатимиз ҳукумати ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси Қорақалпоғистондаги Қандим газ, Хаузак ва Шади участкалари ҳамда республика шимолий-ғарбидаги Кўнғирот газ конларини ўзлаштириш бўйича битим имзолаган эди. Ана шу келишувга мувофиқ табиий газни саноат йўли билан қазиб олишга 2007 йилда тўлиқ киришилади. Шартномада тасдиқланган табиий газ заҳиралари ҳажми тахминан 400 миллиард кубо метр, газ конденсати эса 10 миллион тоннадан ошиқ.

Бундан 40 йил муқаддам очилган Қандим конининг газ захираси 150 миллиард кубометрга тенг. У тўлиқ ишга тушгач, ҳар йили қазиб олинадиган «зангори олов» ҳажми 9 миллиард кубометрга етади. Келгусида Устюрт кенгликларида йилига 6 миллиард кубометр хомашёни қайта ишлайдиган Марказий Осиёда энг йирик замонавий газ-кимё мажмуини қуриш режалаштирилган.

Россияликлар билан ҳамкорликда бир қанча инвестицион лойиҳалар амалга оширилаяпти. Мамлакатимизнинг шимолий минтақаси Қўнғиротда «Ийгиликгаз» Ўзбек-Россия қўшма корхонаси барпо этилди. 2003 йилда фойдаланишга топширилган корхонада бир кеча-кундузда 150 тонна сифатли автобензин ишлаб чиқарилаяпти. Бундан ташқари 400 тонна хомашёни қайта ишлайдиган қурилма ҳам техник жиҳатдан тайёр ҳолга келтирилган. Бош технолог Х.Аҳмедовнинг таъкидлашича, мураккаб қурилмаларни маҳаллий кадрлар моҳирлик билан бошқараяпти. Қирқ нафардан ортиқ киши иш билан таъминланган.

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Устюрт кенгликларида ер ости бойликлари бисёр. Саҳронинг қоқ ўртасида Қорақалпоқ номи билан аталадиган газчилар қўрғони жойлашган. Мўъжаз масканда хазинатопарлар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Яқинда бу ерда янги компрессор станцияси ишга туширилди. Бунинг натижасида кам энергия сарфланиб, кўп миқдорда маҳсулот олинаяпти. Қиймати 1 миллион АҚШ доллари турадиган янги станцияни «Урганчгазтранс» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари қисқа муддатда қуриб битказдилар. Эндиликда бир кеча-кундузда ишлаб чиқарилаётган табиий газ миқдори 950 кубометрга кўпайди.

Саҳро бағрида қад кўтарган янги корхонада йилига 2 миллиард кубометр табиий газ, 40-45 минг тонна конденсат тайёрланади. Нефт-газ мажмуида Жанубий Корея, Хитой, Малайзия давлатларидан келган мутахассислар маҳаллий ишчилар билан яқин ҳамкорликда меҳнат қилишаяпти.

Олисдан газчиларнинг минораларн кўзга ташланади. Бурғуловчилар замонавий ускуналарни тўла қувват билан ишлатишмоқда. Чўлнинг бир томонида хазинатопарлар меҳнат қилаётган бўлса, иккинчи ёнида газ конларидан қимматбаҳо бойликлар қазиб олинаяпти.

Яқин беш йил ичида Устюртда қидириш ва газ қазиб олиш ишларини ташкил этиш учун «Газпром» томонидан 400 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Қўлга киритилаётган бундай ютуқлар буюк истиқлол шарофатидан.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---



# НАЗОРАТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

*(Боши 1-бетда)*

Жумладан, Косон тумани Меҳнат бўлимининг ишга жойлаштириш шўъбаси бошлиғи Ш. Раҳмонов вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан корхона ва хўжаликларга тарқатиш учун олган 3500 дона 1.575 минг сўмлик меҳнат дафтарчасини туман меҳнат бўлимига кирим қилмасдан ўзлаштириб юборган.

Ҳозир унга нисбатан туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Муборак тумани меҳнат бўлими масъул ходимлари иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан яратилиши лозим бўлган 15 та иш ўрнининг бирортасини яратмаганлар. Оилавий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш 12 фоизга, деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш 30 фоизга, хотин-қизлар учун иш ўринлари яратиш 20,5 фоизга, янги иш ўринларини яратиш 20 фоизга бажарилган, холос. Шунингдек, бошқа камчиликлар ва қонунбузарликларга йўл қўйганликлари учун Муборак туман прокуратураси томонидан туман меҳнат бўлимининг 4 нафар масъул ходимига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

**- Келажагимиз оилада камол топади. Боланинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланиши учун моддий таъминоти бекаму-кўст бўлиши зарур. Моддий таъминоти етарли бўлмаган оилалар ҳам бор. Мавжуд оилаларга давлатимиз мадади тўғри етиб бораяптими?**

- Вилоят прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ташкил этиш тўғрисида" ва "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижроси юзасидан қатор текширишлар ўтказилди. Аниқланишича, кам таъминланган 2 ва 18 ёшгача боласи бор 228 минг 871 та оилага 2005 йилда 14 млрд. 173 млн. 633 минг сўм, 2006 йил биринчи чорагида 48545 та оилага 4 млрд. 433 млн 914 минг сўм нафақа пули ажратилган. Аммо, айрим жойлардаги фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида нафақа сўраб мурожаат қилган шахсларнинг оилавий даромади тўғри ўрганилмасдан 2005 йил 12 млн. 221 минг сўм, 2006 йилнинг биринчи чорагида 4 млн. 101 минг сўм бюджет маблағлари ноқонуний тўлаб юборилган. Бу қонунбузарликлар бўйича тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, жумладан, ҳақиқий муҳтож фуқаролар манфаатларини кўзлаб судларга аризалар киритилган.

Қарши тумани прокуратураси томонидан Хитойкент қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг масъулиятсизлиги туфайли фуқаролар Б.Ражабов ва Ш.Ражабовлар томонидан тақдим қилинган иш ҳақи кам қилиб кўрсатилган қалбаки маълумотномага кўра 2005 йил давомида 376 минг сўм нафақа пуллари ноқонуний тўлаб юборилганлиги аниқланган.

Шунингдек, Навоий номли ва Бодомзор маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ёш болалари бор оилаларнинг моддий ва мулкий аҳволи тўғри ўрганилмаганлиги натижасида 2005 йил давомида 199 минг 900 сўм нафақа пуллари ноқонуний равишда тўлаб юборилган.

· Нишон туманидаги Самарқанд қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг масъулиятсизлиги туфайли фуқаро Х.Элмуродова ва О.Сариқуловалар томонидан тақдим қилинган сохта ҳужжатларга кўра 2006 йил январ-март ойлари давомида 37 минг 600 сўм болалар нафақаси ноқонуний тўланган.

Қарши шаҳар "Гулшан" маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг масъулиятсизлиги туфайли шу фуқаролар йиғини котибаси Х.Пирматова, фуқаролар Г.Алиқулова, М.Усмонова ва бошқалар (жами 10 нафар фуқаро) қалбаки маълумотномага кўра 2005 йил давомида 433 минг 500 сўм болалар нафақаси олган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланмоқда.

**— Бизнинг саховатли юртда муҳтожлар ризқига чанг солувчилар борлиги ажабланарли ҳолдир. Бунга прокуратуранинг муносабати...**

Халқ банки Касби тумани бўлимига қарашли 18, 22, 25, 32, 33-сон шохобчалари хазиначилари, ҳаммасини қўшганда, 27 млн. 400 минг сўм нафақа пулини ўзлаштириб, талон-торож қилишган. Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан 5 та жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Маълумки, меҳнат ҳақи иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланган шакл ва тизимда, қонунда кўрсатилган муддатларда тўлаб борилиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам мавжуд. Прокуратуранинг саъй-ҳаракатлари натижасида иш ҳақидан қарздорлик камайишига эришилмоқда. Бунинг учун 2005 йилда 1867 та, 2006 йилнинг 4 ойида 459 та прокурор назорати ҳужжати қўлланилган. Ачинарлиси шундаки, Қамаши тумани, Қарши шаҳридаги айрим мактаб директорлари ўқитувчиларнинг иш ҳақини ўзлаштириш ҳолатлари аниқланган. Улар-ку тегишли жазосини олди. Бироқ савол туғилади, ўзи тарбия кўрмаган кишининг тарбия масканида ишлашга маънавий ҳаққи борми?..

**Суҳбатдош: Довуд МАДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

# ОСИЁДАН ВАКИЛ ҚОЛМАДИ

## агар Австралиянинг нимчорак финалдаги иштирокини ҳисобга олмаса...

***Эртаклар ажойиб. Ҳар қанча қийинчиликлар бўлмасин, тош бўлса кемириб, сув келса симириб, охир-оқибат барча тўсиқларни енгиб ўтиб, сизу биз суйган қаҳрамон муроду мақсадига етади.***

Энг қизиғи шундаки, барча халқлар эртагида кенжа ботирга алоҳида меҳр кўзи билан қаралади ва у ўзига билдирилган ишончни оқлаб нафақат ўзи бахт-саодат оғушида қолади, синов-имтиҳонлардан у даражада муваффақиятли ўтолмаган биродарларининг ҳам дилига шодлик олиб киради.

Германияда давом этаётган футбол мундиали ҳам, таъбир жоиз бўлса, қайсидир маънода эртакка ўхшаб кетаяпти. Чемпионат олди ўртоқлик учрашувларида анчайин дуруст натижаларни кўрсатиб, кўнгилларга илиқлик олиб кирган Осиё вакиллари — Япония, Жанубий Корея, Эрон ва Саудия Арабистони терма жамоалари ўйинидан мухлислар хижолатпазликка ботган паллада Осиё футбол конфедерациясига аъзо қилиб олинган, аммо Германияга ўз қитъаси номидан ташриф буюрган Австралия ҳеч кутилмаганда ним чорак финалда қатнашиш шарафини қўлга киритиб, эртаклардаги кенжа ботирга айланди-қолди.

Нега шундай ҳол юз берди? Албатта, Германияни муддатидан илгари тарк этишга мажбур бўлган қитъадошларимиз ўз мутасаддилари олдида ҳисобот беришни бошлаб юборганликларига шубҳа йўқ. Эронда эса ади-бади айтишиб ўтиришни ҳам хоҳлашмади: мамлакат футбол федерацияси раҳбари ва терма жамоа бош мураббийи хизматидан воз кечиб қўя қолишди.

Энди бир фараз қилиб кўрайлик-а: номи зикр этилган мамлакатларнинг бирортаси ўрнида Ўзбекистон терма жамоаси бўлиб қолганда, аҳвол яхши томонга ўзгарармиди ёки...

Беихтиёр кўчада бораётган мухлисларнинг гурунги хотирага келади:

— Ҳеч бўлмаса Жанубий Корея гуруҳдан чиқади, деб ўйлагандим...

— Украина ўзимизникидек бўлиб қолгану, барибир Саудияга ачиниб кетдим...

— Яхшиямки биз борманимиз. Бош кўтаролмай қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас экан...

Наҳотки, Осиё футболи шунчалар қолоқлашиб қолган бўлса?! То ҳануз хаёлимизга ўз ҳолига ташлаб қўйилгандек тасаввур уйғотадиган Африка қитъаси вакилларининг ўйинини кўриб, очиғи, ҳайратимиз ортади. Гарчанд фақат Гана нимчорак финалга йўлланма ололган бўлса-да, Тунис, Кот'Д Ивуар, Того ва Ангола футболчилари намойиш этган шиддаткорлик ва иштиёқ ҳурмат-эҳтиром уйғотгани рост. Агар уларнинг сафига мундиалдан қолиб кетгани учун тишини қайраб турган Камерун, Нигерия, Сенегал каби терма жамоаларни қўшсак, жаҳон футболида ҳозир юзага келган аҳвол кундек ойдинлашади. Хулоса битта: Осиё футболи анча ортда қолиб кетган кўринади.

### ЎЗИМИЗДА НИМА ГАП?

Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур, деган мақол бор халқимизда. Биз ҳам шунга амал қилишни жоиз деб топдик. Қолаверса, аввал ўзимизга боқиб, сўнг чор-атроф эшитадиган қилиб ноғора қоқиш мақбул туюлди.

Европа мамлакатларида сентябрга қадар катта танаффус. Билмадик, бошқа юртларда қандай, лекин бизда ички чемпионат давом эттирилмоқда. Ҳозир барча футболсеварларнинг нигоҳи олмон ўлкасига қаратилган, фикр-мулоҳазалар ҳам жаҳон биринчилиги теварагида бораётганлигига қарамай, томошабинларнинг стадионга ташрифи кескин камайиб кетганини назар-писанд қилмаган ҳолда жамоаларимиз ёз чилласида толиқиш симфонияси оҳангларига монанд-мос равишда майдонда тўп суришда давом этмоқдалар.

Тақвим тузилаётганда футбол мутасаддиларимиз жаҳон чемпионати билан боғлиқ руҳий-жисмоний ҳолатларни назардан четда қолдирганликларига ҳайрон қоласан киши.

Кутилганидек ва башорат қилинганидек нечанчи йилки «Пахтакор» карвонбошиликни қўлдан бой бермай келаётир. Ваҳоланки, жамоа халқаро турнирларда аввалги йиллардаги каби юқори натижаларга эришмаётган бўлса-да, миллий чемпионатимизда унга тенг келадиган клуб топилмаётир. Буни қандай баҳолаш мумкин? Футбол ишларимиз кўнгилдагидек эмаслигидан, зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар тўпланиб қолганидан далолат эмасми бу?!

### ИККИ КЕМА БОШИНИ ТУТГАН...

Футболда омад деган нарса бор. Лекин у, агар диққат билан кузатган бўлсангиз, кўп жиҳатдан чарм тўп усталарининг маҳорати ва шижоати билан бевосита боғлиқ. Бунда, шак-шубҳасиз, мураббийнинг ўрни ҳам катта, ўйиннинг боришига қараб тактик вариантлардан энг мақбулини танлай билишдан тортиб, футболчи алмаштиришгача бўлган жараён учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин. Буни кўп бор кўрганмиз, Германияда давом этаётган ўйинларни кузата туриб ҳам яна бир карра ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Бизда ҳам мураббийнинг иқтидорига баҳо берилганда, табиийки, ана шу жиҳатларга эътибор қилинади. Лекин бир нарса жуда кўпчиликни ҳайрон қолдириб келади. Нега энди миллий терма жамоа устози айни вақтда қайсидир клубнинг ҳам бош мураббийи бўлиши керак? Равшан Ҳайдаров билан шундай ҳол юз берганди, Валерий Непомнящий ҳам шунга мажбур қилинмоқда? Ё бунга унинг ўзи ташаббускорлик кўрсатганми? Бу амалиётдан хориж мамлакатларида аллақачон воз кечилган-ку!

Нима бўлганда ҳам икки кеманинг бошини тутиш яхшиликка олиб келмаслиги аниқ. Хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, Непомнящий ҳам инсон-да, ўзи етакчилик қилаётган клуб аъзоларига кўпроқ эътибор қаратади, яна ҳам дангал айтганда, ўз шогирдларини яқин олиб марҳамат кўрсатиш йўлидан боради. Қарабсизки, спорт формаси етарли даражада бўлмаса-да у ёки бу футболчи терма жамоа таркибидан жой олади. Энг ёмони, клуб натижаларига жавобгарлик ҳисси бошқа жамоалардаги ўйинчиларни етарли даражада ва энг ачинарлиси, холисона кузатиб бориш имконини бермайди. Ошиғич ва ортиқча изланишларсиз жамланган терма жамоа ҳам шунга яраша натижа кўрсатади. Бу ахир қачонгача давом этади?

Ҳадемай терма жамоа учун масъулиятли паллалар бошланади. Бош мураббий масаласида тезроқ бир тўхтамга келинмаса, вазият ўзгармайди, эски тос, эски хаммом ҳолича қолаверади. Вақт борида этакни йиғиштириб олмасак, яна аттанг дея бош қашиб қоламиз.

### КЎЧА ЧАНГИТИБ ЮРГАН БОЛА

Кўча чангитиб юрган болаларни кўп кўрганмиз, ҳамон кўриб турибмиз. Аслида ўзимиз ҳам кўчада улғайганмиз, ахир ўша завқ-шавққа тўла онларни унутиб бўларканми?!

Биз бугун бошимизга кўтариб, «қирол» дея, «юлдуз» дея ҳамду санолар ўқиётганимиз Пеле ва Гарринча ҳам, Марадона ва Эйсебио ҳам, Роналдиньо ва Роналдо ҳам оддийгина кўча боласи эдилар. Ким билади, бизнинг кўчаларда ҳам қайсидир Пеле, қайсидир Роналдиньо оёқ яланг ҳолда копток ортидан чопиб юргандир. Фақат уни кўриш, пайқаш ва ғамхўрлик қилиш керак холос.

Қишлоқ хўжалигидан бехабар одамлар ҳам уруғчилик селекцияси деган ибора замирида нима ётганлигини яхши билишади. Аммо футболда ҳам селекционер бўлишидан кўпчилигимиз бехабармиз. Негаки, улар чиндан-да бармоқ билан санарли даражада кам. Қайси бозорда қандай мол арзон ё қимматлигини билиш пайида тунни тонгга улашга тайёр оёқ-қўли чаққон корчалонларни кунда-кунда кўрганимиз ҳолда истеъдодларни излаб-топиш устида бош қотираётган заҳматкашларни билмаймиз ҳам, пайқамаймиз ҳам.

Хорижда футбол селекционерлиги ғоят нуфузли касб ҳисобланади. Топиш-тутиши ҳам жойида. Унча-мунча тадбиркорникидан оз эмас. Шундай экан, нега бизда ҳам ушбу фаолиятга кенг имкониятлар эшигини очиб қўйиш мумкин эмас? Клублар шартнома асосида селекционерлар жамоаси ташкил қилсалар бунинг нимаси ёмон? Умрининг энг қайноқ йилларини футболга бағишлаган қанчадан-қанча фахрийлар бор ахир! Уларнинг тажрибаси ва билимдонлигидан фойдаланиш, шу йўл билан футбол тарғиботчилари сафини тўлдириш ҳамда кенгайтириш мумкин эмасми?

### ГУЗАР ЯХШИ, ЎЙИНГОҲ ЁМОНМИ?

Яқин икки ой мобайнида маҳалла фуқаролар йиғинларида оқсоқол ва маслаҳатчилар сайлаб олинди. Олдинда кенг кўламли вазифалар турибди. Табиийки, бошқа юмушлар қаторида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилади. Шу жумладан, гузар қурилиши, аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиб бериш масалалари кун тартибининг хатбошиси сифатида бир зум бўлсин унутилмайди.

Беихтиёр савол туғилади: спорт майдончаси барпо этиш ёддан кўтарилмадими? Икки томонда дарвозаси бўлган оддийгина футбол майдони-чи?

Бекорчидан Худо безор, дейдилар. Қолаверса, маҳалла ўйингоҳларида юлдузлар вояга етса, бунинг нимаси ёмон?!

*Муносабат*

### ХОРИЖГА, ФУТБОЛ ЎҚИШИГА

Ғалати-а! Лекин жиддийроқ бош қотирилса, ҳеч қандай ажабланадиган жойи йўқ. Модомики, спорт ҳаёт тарзимизга айланиб қолган экан, демак, худди Оксфорд ёки Токио университетига таҳсил олгани боргани каби Голландиягами, Германиягами, агар лозим бўлса, Бразилия ёки Аргентинагами футбол бўйича малака ошириш учун истеъдод соҳибларини ўқишга жўнатиш мумкин. Мумкингина эмас, лозим ҳам.

Зарур бўлса, ўзимизда фаолият юритаётган футбол мактабларига чет элдан мураббий-ўқитувчиларни ишга таклиф қилиш керак. Бугун деб, эрта деб кутиб ўтиришдан фойда йўқ. Тоғ ён бағрида туриш ҳали чўққига чиқдим, дегани эмас.

Ҳаммаси ўзимизга, саъй-ҳаракатларимиз самарасига боғлиқ. Пойгага қўшилган одам яна бир нарсани унутмаслиги даркор. Бошқалар ҳам истаган пайтда тезликни ошириши мумкин.

**Зайниддин РИХСИЕВ**

**XVIII Жаҳон чемпионати кундалиги**

**Нимчорак финал баҳслари:**
**Германия—Швеция - 2:0**
**Аргентина—Мексика - 2:1**
**Англия — Эквадор — 1:0**
**Португалия — Голландия — 1:0**

---

## КИЧИК БИЗНЕС

### плюс янги иш ўринлари

Элликқалъа туманида бир минг уч юздан зиёд юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, шундан мингга яқини тадбиркорлик субъектларини ташкил этади. Ўтган йили икки юздан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатдан ўтказилди. Бундан ташқари, икки юздан ошиқ якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатдан ўтказилиб, бунинг натижасида икки ярим мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик субъектларининг сони яна бир юз ўн иккитага кўпайди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири**


**Ҳурматли ўқувчилар, сиз ажойиб касб эгаси бўлишни хоҳлайсизми?!**

***Наби Ғаниев номидаги Тошкент кино-видео техника касб-ҳунар коллежи***

***Сизларни 2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф қилади.***

*Кино-телеоператорлик.*
*Радио ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.*
*Ҳужжатшунослик, ҳужжат ва архив ишини юритиш.*
*Бухгалтерия ҳисоби*
*Сартарошлик санъати ва декоратив косметика.*
*Менежмент*

**КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:**

Директор номига ариза
Маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси)
086-У тиббий маълумотнома
3х4 ҳажмдаги фотосурат — 6 дона
Турар жойидан маълумотнома
Паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 2006 йил 1 июндан ҳар куни 8:00. дан 18:00 гача дам олиш кунларисиз қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент шаҳар Тошкент кино-видео техника касб-ҳунар коллежи:**
**Транспортлар: 28, 34, 76, 87, 131-автобуслар, 4, 2-троллейбуслар «Талабалар шаҳарчаси» бекати**
**Телефонлар: 396-04-00, 396-47-86.**

Машғулотлар 1 сентябрдан янги манзилимиз, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уйда жойлашган замонавий бинода бошланади.

**Мўлжал: Эски Фрунзе савдо маркази ёки ЎзР. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги биноси,**
**Транспортлар: 11, 47, 76-автобуслар, 32, 35, 50-микроавтобуслар**


Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси Касби тумани Алишер Навоий номли тажриба элита уруғчилик хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси

**Абдуқодир МАҚСАДОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---


**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги» МЧЖ** 2006 йил 4, 11, 18, 25 июл кунлари бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қўйилган Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида жойлашган, Султон Сегизбоев номли ширкат хўжалигига қарашли 2 та қоровулхона, ҳаммом, маъмурий бино, пункт биноси, 9 та бостирма, 2 та ҳожатхона, туғдириш бўлими, 3 та молхона, слесар биноси, омборхона ҳамда тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаларидан ташкил топган чорвачилик фермаси ЎзР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бўлими хатига асосан сотувдан олинди.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93**

**Ўқишга марҳамат**

**Юнусобод Машинасозлик касб-ҳунар коллежи**

**2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича 9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларни қабул қилади:**

*Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (В ва С тоифали ҳайдовчи)*
*Маиший хизмат машина ва жиҳозларини таъмирлаш*
*Машинасозлик технологияси*
*Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари*
*Бухгалтерия ҳисоби*
*Менежмент (соҳалар бўйича)*
*Тикувчилик ишлаб чиқариш*
*Халқаро бизнес.*

**Коллежга ўқишга кириш истагини билдирган ёшлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:**

Коллеж директори номига ариза.
Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси
Саломатлиги тўғрисидаги тиббиёт муассасаси хулосаси (086-У).
3х4 ҳажмдаги 4 дона фотосурат.
Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома.
9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11 синфларда таҳсил олмаганлиги тўғрисида ўзлари ўқиган жойдан ва маҳалла қўмитасидан маълумотнома
Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома шахсан кўрсатилади.
Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

**Манзил: Юнусобод 14-мавзе, «Баҳодир» бекати.**
**Автобуслар: 60,82,90,91,96.**
**Телефонлар: 23-58-53, 112-91-43, 22-94-88.**

**АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Малакали билим ва ҳунар эгаллашни истайсизми?!**
**Унда шошилинг!!!**

**Тошкент иқтисодиёт коллежи**

9-11 синфларни тугатган йигит-қизларни қуйидаги мутахассисликларга:
***«Бухгалтерия» йўналиши***
***«Банк иши» йўналиши***
***«Халқаро бизнес» йўналиши***
***«Молия» йўналиши*** бўйича ўқишга қабул қилади.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида етук иқтисодчи, ўрта бўғин мутахассисларини сифатли тайёрлаш коллеж малакали ўқитувчи ва мутахассисларининг асосий мақсадидир.

Қабул кунлари: якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан 18:00 гача.

**Манзил: Шайхонтохур тумани, Ўқчи кўчаси -73 уй.**
**Телефонлар: 144-60-81, 144-60-82.**
**Янги консерватория биноси рўпарасидаги кўча.**
**«Пахтакор» метроси бекати.**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан барча соҳа вакилларини, шу жумладан, «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоасини самимий қутлайди. Уларнинг жамиятимизда «т ў р т и н ч и ҳ о к и м и я т» м а қ о м и н и мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятига омадлар тилайди.

# ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан табриклайди. Ижодий баркамоллик уларга ҳамиша ёр бўлишини тилайди.



# ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Матбуот ва ОАВ ходимларини касб байрамлари билан қизғин муборакбод этади. Миллий матбуотимиз ривожига сезиларли ҳисса қўшаётган «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоасига ижодий баркамоллик, оилавий фаровонлик тилаб қолади.



# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Матбуот ва ОАВ ходимлари куни муносабати билан барча ижодкорларни самимий қутлайди. Ҳақиқат ва эзгулик қуёши йўлингизни чароғон айлайверсин!

## Ҳамкасбларимиз ижодидан

### ҲОФИЗ ОҲАНГИДА

Мутриб, хуш куйни қўймасанг,
Тоза ва тоза, ранг-баранг.
Бўлмайди бода қуймасанг,
Тоза ва тоза, ранг-баранг.

Хилватда бўл ёринг ила,
Қайноқ меҳри боринг ила,
Бўлмас бўсадан куймасанг,
Тоза ва тоза, ранг-баранг.

* * *

Олтиндай товланар шохда бир олма,
На сан олурсану на ман олурман.
Гар насиб қилмаса, олиб оғзингга
На сан солурсану на ман солурман.

Баҳорда Лайлисин излар Мажнуни,
Ёзингда ёзилсин умринг мазмуни.
Гар хазон сипоҳи келса бостириб,
На сан қолурсану на ман қолурман.

* * *

Агар пошна куйса, ошна,
Пешона ҳам куйгай.
Ёнса тана, ёнар шона,
Нишона ҳам куйгай.

Худо денглар, ўт тушмасин
жону жаҳонга.
Кулманг, бир кулба кул бўлса,
Кошона ҳам куйгай.

Довуд МАХДИЙ

### БАРИБИР БОШҚАСАН

Кўзлари азалий бир оҳанг, қадим...
Сочлари-ялпизим, лаблари титроқ.
Кимнидир ўйлайман, кимдир ёқади,
Барибир бошқасан, сан бошқачароқ.

Гоҳида ўзимга ишониб ўтдим,
Ўзимдан гоҳида узилиб йироқ.
Лекин ҳаммадан ҳам ортиқроқ кутдим,
Барибир бошқасан, сан бошқачароқ.

Таскиним — бир гўзал табассум — юпанч,
Чашмингдан кўнглимга сочилган чароғ.
Барини унутдим — нимаики ранж...
Барибир бошқасан, сан бошқачароқ.

Қара, пешонамда зардол гуллади,
Нигоҳим тўкилган ҳавода гиёҳ...
Ой эрмак қилади, қуёш кулади,
Барибир бошқасан, сан бошқачароқ.

Нима, деб атайман, дил ҳазинини —
Гар кўзимдан олис кўринса тупроқ.
Тиз чўкиб оёғинг ўпсам арзийди,
Барибир бошқасан, сан бошқачароқ.

Илҳом КАРОМ



## Бор бўл, оқибат!

# ЗАРТЕПАЛИК САХОВАТПЕША

### ёки «Арча тагидаги мактаб» ҳомийлари хусусида

***Зартепа — Бахмалнинг энг олис ва чекка қишлоқларидан бири. Туман маркази Ўсмат шаҳарчасидан 62 километр узоқликда жойлашган. Атрофи пурвиқор тоғлар, арчазорлар билан ўралган, сойларида булоқ сувлари ўйнаб-ўйнаб оқадиган, боғларини эса булбул тарк қилмайдиган, бир сўз билан айтганда, жаннатмакон гўша.***

Абдуолим Тожиев ҳам ана шу қишлоқ фарзанди. Шу жойда туғилиб ўсди. Эсини танибдики, эл кори учун хизмат қилиб келади. Шаҳарда олий таълим олиб қишлоғига келгач, янада фаолроқ бўлиб қолди. Ишни қишлоқдаги «Манас» номли 62-ўрта умумтаълим мактабида ўқитувчиликдан бошлади.

Бошланғични битирган болакайлар қишлоқда мактаб йўқлиги туфайли 3-4 чақирим йўл босиб қўшни Музбулоқ қишлоғига қатнаб ўқир, бундан табиийки, барча ота-оналар сингари Абдуолим аканинг ҳам кўнгли тўлмасди.

Кунларнинг бирида Абдуолим ака кўнглидагини қишлоқдош оқсоқолларга ёрди: «Қишлоқда мактаб биноси тикланса яхши бўларди». Бу 1992 йилнинг эрта баҳори эди.

Ҳашар йўли билан мактаб қурилишига киришилди. Маҳалла оқсоқоли Файзулла Тўраев, қишлоқ нуронийлари Баҳром Нурманов, Салоҳиддин Нурманов каби фаоллар Абдуолим акага мададкор бўлишди. Ҳамқишлоқлар қўлидан келганича ёрдамга ошиқишди.

Йигирма хонали мактаб биноси шу тарзда бир йилдаёқ битказилди.

— Оилада тўққиз жонмиз. Келинойингиз Болхоной билан беш қиз, икки ўғилни тарбиялаб вояга етказдик. Шукрки, ҳар йили ҳовлимизда деҳқончилик ва чорвачиликдан мўмайгина даромад олиб келамиз. Оилавий бюджетимиздан мактаб учун ажратма қиламиз. Масалан, 2004 йили 350 минг, 2005 йили 750 минг сўм ажратдик. Жорий йилда эса бир миллион сўм сарфлаш ниятидамиз. Мақсадимиз — олис қишлоқ мактабининг моддий-техник жиҳатдан таъминланиши, фарзандларимиз янада чуқурроқ билим кўникмаларига эга бўлиши, бу билан жонажон юртимиз — Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига фаолроқ хизмат қилишга ҳисса қўшишдир.



Биз ушбу мақолани ёзиш жараёнида Жиззах вилоят қирғиз миллий маданият маркази раҳбари Тўлибой Тўйчибоевнинг фикрини билишга қизиқдик.

— Абдуолим Тожиев сингари эл-юрт фидойиларидан фахрланамиз, — дейди Т.Тўйчибоев. — Бугунги кунда Бахмал туманидаги 7 та мактаб қирғиз тилига ихтисослашган. Уларда қирғиз миллатига мансуб кишиларнинг фарзандлари таълим-тарбия олишади. 62-ўрта мактаб ҳам тоғлар бағрида, «Арча тагидаги мактаблардан» саналади. Мактабда ўқув-тарбия ишлари саховатли ҳомийлар кўмагида тобора яхшиланиб бормоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ТУМАННИНГ ШИФОСИ

***Ҳозирги замон тиббиётида тумандан даволаш мақсадларида кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Мисол сифатида энг кенг тарқалган касалликлардан бири — гриппни даволашда тумандан фойдаланишнинг аҳамияти катта.***

Гриппни одамлар тарқатади, соғ одам грипп билан касалланган кишига яқинлашса, унга касал юқиши муқаррар. Гриппни қўзғовчи вируслар беморнинг юқори нафас олиш йўлларида бўлади. Касал йўталганда, аксирганда ва биров билан гаплашганда атрофидаги ҳавога майда сўлак зарраларини, бошқачасига айтганда грипп касаллигини қўзғовчи вируслари бўлган туманни тарқатади.

Биз буни туман деб атадик. Чунки туман суюқликнинг майда заррачаларидан таркиб топган бўлади. Сўлак заррачалари нисбатан кам бўлганлигидан, кўзимизга кўринмайди. Бу заррачалар ҳавода бир неча соат туриши мумкин. Соғлом киши бемор ётган хонага кириб нафас олиши ва ўзига грипп юқтириши ҳеч гап эмас.

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ**
**тайёрлади**

## Қатралар

# ЙИҒИ ОВОЗИ

Қўшни хонадондан эшитилган хотинларнинг йиғиси Қўшоқ аканинг энсасини қотирди.

— Намунча эзилиб йиғлашмаса, — ўйлади ичида.

Шу пайт қотмадан келган, қўлтиқтаёқда юрадиган Рауф ота кўз олдига келди. У негадир ён қўшнисини ёқтирмас, қилдан қийиқ топиб унинг юзига солишни хуш кўрарди.

— Аҳмоқ. Беш кунлик дунёда ўйнаб-кулиб қолмайсанми? Ишдан бошқа нарсани билмай ўлиб кетди. Яна димоғи баландлигини айтмайсизми? Нақ эшак қурти ёғиларди,— энди у ўзига ўзи пичирлаб гапирарди.

Қўшоқ ака қўшнисининг яшнаб турган боғига ҳасад билан қараб қўйди. 3-4 йил олдин шу боғнинг ярмини сотиб оламан, деб роса уринди. Рауф ота "ўламан саттор, сотмайман," дея оёқ тираб туриб олди. Маҳалла оқсоқолини, казо-казоларни ҳам ўртага солди, фойдаси бўлмади. Қўшоқ аканинг яна пешонаси тиришди. Ўз пушти камаридан бўлган ўғли ҳам унга қарши чиқди-я!

— 40 йиллик девор-дармиён қўшнига шундай қилишга уялмадингизми,—дейди, бадбахт. Ахир кишига омад, давлат бир маротаба келади. Пулинг бўлса манаман деганинг ҳам қўлингга "гаҳ" десанг қўнади. Вақтида ушлаб қолмадингми, тамом. Бир умр итнинг кейинги оёғи бўлиб, калишингни судраб ўтасан. Кимга тортди бу ярамас, ҳайронман.

Шуларни ўйларкан Қўшоқ аканинг юрагида санчиқ турди. Кўксини чангаллади. Чўнтагидан дори олиб, тил остига ташлади. Оғриқ бироз босилгач, яқиндаги воқеани эслади.

Мана 40 йил бўлибдики, вагон ресторани хўжайини. Қўлида ишлайдиган бир йигит отасининг вафоти туфайли анчагина қарз олганди. Бир сўради бермади, икки сўради яна шу аҳвол. Ахийри қарздорнинг отасидан қолган машинани олиб чиқиб кетиб, ўз номига расмийлаштириб олди. Онаси "Эримдан қолган ёдгорлик" деб худонинг зорини қилди. Қаёқда. Емоқнинг қусмоғи бор-ку.

Ҳозирги замонда одамларга яхшилик қилиб бўлмайди. Савобнинг таги...

Шу вақт. Қўшоқ аканинг яна эти уюшди. Кампири 3 йил олдин вафот этган. Ўғли, келини ишда, набиралари ўқишда.

— Текинтомоқлар, келишсин, бир таъзирларини берай,—ўйлади Қўшоқ ака.

Бир ҳафта ўтмай Қўшоқ ака ҳам оламдан ўтди. Лекин негадир маракада ҳеч ким ёлчитиб йиғламади.

# «ГУНОҲКОР»

Ҳадя хола кўчага чиқди. Тумонат бола. Эрталаб ёғ тушса ялагудек супириб-сидирилган жойга қараб бўлмайди. Жаҳли чиқди. Нима қилса бўларкин бу шумтакаларни? Кейин сал нарироқда турган қизчадан:

— Ким ивирситди? - деб жаҳл билан сўради.

Қизча Ҳадя холанинг важоҳатидан чўчиб:

— Мирхонд ўйнади. Минг марта айтсак ҳам қулоқ солмади,—деди қўрқа-писа.

— Хаҳ ақлингни кўтарсина, — хола яна жаҳл отига минди. — Бир қулоғини чўзиб қўяй-чи уни.

Унинг важоҳати ҳақиқатан ҳам ёмон эди. Шу вақт дарахт панасига беркиниб турган "гуноҳкор"ни кўриб қолди. У юзини яширган бўлса-да, бутун гавдаси кўриниб турар, ранги ўчган эди. Боланинг бу ҳолатидан Ҳадя холанинг кулгуси қистади.

— Мирхонд, бошингни беркитибсану, қолган жойингни яширмабсан-да? — деди Ҳадя хола.

Бироздан кейин айбдор мўлтайганча унга тикилиб турарди. Чанг босган юзида фақатгина кўзларигина йилтилларди, холос! Холанинг унга раҳми келди. Ҳовуридан тушди. Негадир болага меҳри товланиб кетди. Чўнтагидан битта қурт олиб берди-да:

— Бор ўйна, деб қўйди.

Мирхонд бир зумда шаталоқ отганча кўздан ғойиб бўлди. Ҳадя хола унинг ортидан тикилганича кулимсираб турарди.

**Неъмат РАФИҚОВ**

## «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда

***Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси анъанавий "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"ни ўтказишда фаол қатнашмоқда.***

Маълумки, Тошкент улкан шаҳар, демак транспорт қатнови ҳам зич. Шунинг учун шароитнинг ўзи ҳушёрликни, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни тақозо этади. Бироқ "Фалокат оёқ остида" деганларидек, нохуш ҳодисалар содир этилаётгани сир эмас. Жумладан, шу йилнинг 13-15 июн кунлари бир неча қоидабузарлик ҳолати қайд этилди.

13 июн. Тун ярмидан ошганди. Миробод туманидаги "Иззатилла" кафесининг қаршисида ширакайф Малоҳат Йўлдошевани номаълум автомашина туртиб ўтди. Боз устига, ҳайдовчи "шайтонга қариндош" шекилли, жабрдийдага ёрдам кўрсатиш ўрнига, «қуённинг расмини чизди». Аёлнинг аҳволи оғир эди, бошқарма ходимлари уни зудлик билан шифохонага олиб борди.

# ПИЁДА, ОГОҲ БЎЛ!

14 июн куни ҳайдовчи Марлен Каяли эса Шайхонтоҳур туманининг Абай кўчасида 10-синф ўқувчиси Сардор Нормуродовни "Нексия" русумли машинасида уриб кетди. Мазкур туманнинг Уйғур кўчасида уй бекаси Лола Охунжонова ҳамда 3-синф ўқувчиси Аҳмад Одилов маст ҳолатда рулга ўтирган Абдужаббор Халиловнинг ВАЗ-21011 русумли автоуловидан азият чекиб, оғир жароҳат олди. 15 июн куни кечки пайт Юнусобод туманидаги Деҳқонобод кўчаси 9-«А» уй олдида фуқаро Бахтиёр Обидов МГА-20001 "Муравей" русумли мотоциклни бошқараётиб, самарқандлик Дилмурод Эшмоновнинг ГАЗ-2401 русумли автоулови билан тўқнашди. Пировард натижада у ҳам бошқалар сингари шикастланиб, шифохонага ётқизилди.

Яратган бандасига ақл бино этди. У тилсимли дунё сир-синоатига қизиқди. Транспорт ҳам инсон ижод маҳсули. Қулай, лекин эҳтиётсизлик қилинса борми...

Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳрида ҳар йили 2,5 мингга яқин транспорт ҳодисаси содир этилади. Бунинг оқибатида ҳаётдан кўз юмиш, тан жароҳати олиш ҳолатлари бўлиши муқаррар. Бу ҳол эса йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари зиммасига янада оғир масъулият юклайди.

Ойлик доирасида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, болалар билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пухта режа бўйича ишлар юритилмоқда. Масалан, шаҳардаги барча таълим масканларида, маҳаллалар ва бошқа жойларда учрашувлар, мулоқотлар ташкил этилаётир. Жумладан, Бектемир туманидаги "Истиқлол", Юнусобод туманидаги Фирдавсий, Сирғали туманидаги Мирзо Иброҳим, Шайхонтоҳур туманидаги "Янги белтепа" сингари маҳаллаларда ўтказилган ташкилий тадбирлар ғоят самарали бўлди.

Бундан ташқари, таълим масканлари, болалар боғчалари атрофидаги бекатлар аҳволи, йўл белгилари ва светофорлар яна бир бор кўрикдан ўтказилди. Аниқланган жузъий камчиликлар бартараф этилди. Ҳаракат хавфсизлиги тарғиботига бағишланган 32 та реклама панноси ўрнатилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда пойтахт аҳлига 12 мингта мурожаат ва чақириқлар тарқатилди. Аҳоли гавжум жойларда, жумладан, шоҳбекатларда, бозорлар олдида тарғибот ва тушунтириш ишлари кенг йўлга қўйилди. Бошқарманинг тарғибот автобусига овоз кучайтиргич ўрнатилиб, магнит тасмасига ёзилган мурожаатнома ва чақириқлар кишиларга эшиттирилмоқда. Шунинг билан бирга маҳалла, корхона ва ўқув муассасаларида ўтказилаётган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"га бағишланган йиғилишлар, видеороликлар телевидение орқали намойиш этилмоқда. Учрашув жойларидан мулоқотлар радиоэфирга узатилмоқда. Шаҳар кўчаларида содир этилган ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари шарҳланиб, унинг илдизлари хусусида сўз юритилмоқда.

Қиссадан ҳисса шуки, ана шу тадбирлар аҳоли осойишталигини мустаҳкамлашга, ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг самарали ўтишини таъминлашга хизмат қилиши шаксубҳасиздир.

**Шарофат ИСКАНДАР қизи,**
**«Ишонч» мухбири**

***Ўқитувчи илм кўзини очади, дунёни, борлиқни танитади. У ҳаммани ўқитади. Буюкни ҳам, суюкни ҳам, доною нодонни ҳам, шоҳу гадони ҳам. Барчамиз унинг олдида бурчлимиз. Ўқитувчи — эзгулик тимсоли, муқаддас зот...***

# УСТОЗ — ШОГИРД ДРАМАСИ

## БИР ДАСТА ГУЛ

Малика бугунги замон боласининг типик вакили. Иқтисод ва сиёсатга қизиқади. Оксфорд университетида ўқишни орзу қилади. Аммо имкониятлари йўқлигидан сиқилади. Лекин руҳан тушкунликка тушмайди. Жаҳон адабиётини рус тилида ўқийди. Севимли ёзувчиси — Лев Толстой. Ёқтирган асари «Уруш ва тинчлик», «Евгений Онегин». Дунё эстрадаси қўшиқларини тинглайди. «Баракат» ўқув марказида инглиз тилини ўрганди. Бўш вақтларида тил марказида олган билимини мустаҳкамлади. Энди эса кутубхонага қатнаб, инглиз тилидаги китобларни мутолаа қилмоқда. Қисқаси, у аломат қиз. Онасининг назарида Малика бошқа миллат боласига айланиб қолаётгандек гўё. Юраги ваҳм босиб:

— Ҳов, болам, кимлигингни унутма. «Гибрид» бўлиб қолмагин яна, ўзбек адабиёти жуда бой, ўзимизнинг ёзувчилар асарларидан ҳам ўқигин. Ўзбекча қўшиқ эшит, ўз сўзинг, ўз куйинг, ахир, — дейди.

Малика кулади.

— Чингиз Айтматовни ўқиб чиқдим. Ўзимизникиларни ҳам ўқирман, — деб қўяди.

Шу десангиз, Маликаларнинг синфига Гулчеҳрахон исмли аёл раҳбар бўлди. У она тили ва адабиётидан дарс беради. Орадан кўп вақт ўтмай муаллима телевизор ва компьютер қаршисида ўсган, саркаш 40 болани ўзига ром қилди.

Гулчеҳрахон синфда оҳиста юриб дарс ўтади. Буюк аждодлар ижодидан сўзлайди. Ёниқ, эҳтиросли ғазаллар ўқийди. Ўқувчилар эса ўзлари билмаган ҳолда ўзбек адабиётининг асирига айланади.

Шулардан бири Малика. У Гулчеҳрахон дарс ўтган куни уйга хурсанд келади. Ўқитувчисини мақтайвериб эси кетади. Навоийнинг, Бобурнинг ғазалларини ёдлайди. Онасининг энди ундан кўнгли тўқ.

Гулчеҳрахон туғилган куни арафасида касал бўлиб қолди. Синф болалари ундан роса хавотир олишди. Унинг уйида оқшомлари телефон қўнғироқлари тинмади. Малика дўстларига кўнглидаги гапни айтди: «Устозни бориб кўрамиз». Маслаҳат пишди. Бозорнинг энг сара гулларидан гулдаста тузалди.

Қандайдир сайроқи қуш дераза ёнида ёқимли сайрарди. Диванда «Санам» журналини варақлаб ўтирган Гулчеҳрахон завқланиб, унга беихтиёр қулоқ тутди. Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглади. Гулчеҳрахон шошмай бориб эшикни очди. Остонада жилмайиб турган шогирдларини кўриб, чеҳраси гул-гул яшнаб кетди.

— Келинглар, келинглар!

Унинг овози қувноқ жаранглarди.

— Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Чой устида суҳбат давом этди. Ҳаяжону қувонч қоришиб кетди. Гулчеҳрахон бармоғидаги тилла узукка боқиб, жимгина жилмайиб ўтирарди. Шогирдлари кетганидан сўнг ўқувчиларимнинг бағрига эзгулик дарахтини эккандим, илк меҳр-оқибат меваси ўзимга насиб этди, дея ўйлади у.

Дераза ортидаги қуш яна бирам сайради-ей, бирам сайради-ки...

## ГАП СОВҒАДА, ЙЎҚ, ПОРАДА...

Инглиз тили ўқитувчисининг янги келган ўқувчилар орасидан Маликага меҳри тушди. Сабаби, Малика зукко ва зийрак, тиришқоқ қиз. Ўша кунлари ой ҳам, кун ҳам шу қизгинага кулди. Халқаро болалар оромгоҳига ҳам шугина борди. Аммо бу ҳаётда ҳамма нарса нисбий экан. Шундоқ ўқитувчиси ўзгаради, деб ким ўйлабди, дейсиз. Аввалига Малика уни тушунмади. «Сиздан угина, биздан бугина» деган қонуният борлигини содда қиз қаердан ҳам билсин. Байрамлар эса бир-бирини қувлаб ўтаверди. Инглиз тили ўқитувчисини айрим «бойвачча» болалар зўр-зўр совғаларга кўмиб ташлади. Малика бўлса жим...

Бу ҳолдан ўқитувчисининг ёмон қаҳри келди. «Мен бунга шунча яхшиликлар қилсаму, у бўлса.. Жа, ўлар ҳолатда эмаслар», — кўнглидан кечди унинг.

8-Март Хотин-қизлар байрами куни Маликанинг дугонаси баҳоси 20 доллар турадиган француз атирини совға қилди. Малика бўлса бир қучоқ гул. Ўқитувчиси гулни стол устига ташлади ва француз атирини очиб, тўйиб-тўйиб ҳидлади. Маликага ҳатто «раҳмат» ҳам демади. Қизгина ўксиниб қолди, бироқ тишини ёрмади. Ҳолатини сезган онаси эртасига чиройли матони қоғозга ўраб қўлига тутқазди. — Олиб бориб бер, бўлмаса ўчакишаверади.

Малика бир кўнглида «олиб борсамми» деб ўйлади. Бироқ ичидаги асов ғалаён оёққа турди.

— Йўқ, мен унга совға — пора бермайман, — деди.

— Майли, ўзинг биласан.

Орадан анча вақт ўтди. Устоз — шогирд муносабатлари дарз кетганди.

Кунларнинг бирида ўқитувчи яна Маликанинг асабига тегди.

— Тил марказига бориб юрганмишсан, жа, билимдон бўп қопсанми?!

— Инглиз тилини чуқур ўрганмоқчиман. Қолаверса, университетга кириш учун мактабда ўрганганларим етмайди, деб қўрқаяпман.

Ўқитувчи бирдан ловиллаб кетди.

— Сен бу феълинг, тилинг билан нимага ҳам эришардинг?

— Мактабнинг билими етарли бўлса, нега кўплар пул тўлаб репетиторга югуради. Ахир ўзингиз?..

Гапи оғзида қолди. Ўқитувчи бўғриқиб бақира кетди. Унинг оғзидан боди кириб, шоди чиқди, нима деяётганлигини ўзи ҳам сезмасди. Жумладан, «Менинг ёшимга етасанми, йўқми! Ҳа, сенга тарбия берган...» Малика ҳўнграб юборди. Йиғи аралаш:

— Сиз устоз эмассиз, таъмагир, порахўрсиз! Мен эса манқурт эмасман — деди.

Ўқитувчи серрайиб қолди. У қизгинанинг кўнгил косасини синдириб қўйган, шунингдек, бошқа ўқувчилар олдида заифлигини кўрсатиб, ўз-ўзини шарманда қилганди.

Йиллар изн сўраб ўтирмайди. Маликалар катта ҳаётга қадам қўйдилар. Устоз юракнинг тўрида яшайдиган азиз сиймо. Зуҳраларнинг (ўқитувчининг исми) бу ерда шаксубҳасиз ўрни бўлмайди. У устозлик орияти, шаъни, қадр қиммати ва обрусини француз атирларига алмаштириб юборган эди.

**Ш.НОРҚУЛОВА**

Ishonch

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб -Ш.Абдуллаев
Навбатчи муҳаррир - Ш.Норқулова
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков
Навбатчи - Р.Сайдаҳмедова

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 14.908 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 814

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 23.00